

Аҳмад Хўжа



**САРБОН**  
*ва*  
**КАРВОН**



АҲМАД ХЎЖА

# САРБОН ВА КАРВОН

(Публицистик мақолалар)

Ушбу китобга таниқли шоир ва журналист Аҳмад Хўжаининг кейинги йилларда республика матбуотида чоп этилган мақолалари жамланди.

Мустақиллик руҳи билан йўғрилган, озод Ватан, униш бугунги куни ва келажаги хусусида баҳс юритувчи бу мақолалар азиз ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди, деб умид қиламиз.

А  $\frac{4306020400-69}{353(04)-2002}$  Буюрт.вар.2002

ISBN 5-645-03884-3

„Ўқитувчи“ нашриёти, 2002



## КИТОБХОНГА

*Меҳнат ҳам бор, шавкат ҳам бор,  
Карвон ҳам бордир,  
Дунё ҳавас айлагулик  
Сарбон ҳам бордир.*

Абдулла Орипов.

Ватанимиз давлат мустақиллигига эришганига 10 йилдан ошди. Ҳн йил — истиқлол йўлидаги муҳим босқич, таъбир жоиз бўлса, нузли манзил.

Ана шу йиллар давомида Ўзбекистон марказга қарам, иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, арзон хом ашё базаси бўлган республикадан қудратли, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаган, изчил тараққиёт йўлидан бораётган мустақил давлатга айланди. Энг муҳими, халқимиз ўзлигини, боқий қадриятларини англади, унинг мамлакатимиз салоҳиятига, ўз бунёдкорлик қудратига ишончи ортди.

Биз, қалам аҳли ҳам Йўлбошчимиз Ислом Каримов етакчилигида амалга оширилган ана шу ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи бўлдик, балки, ҳавойи хаёллардан воз кечиб, биримиз қўлга блокнот, биримиз микрофон тутиб, бу жараённинг фаол иштирокчиларига айландик.

Қўлингиздаги китоб ана шу йилларда матбуотда эълон қилинган, юртимизнинг истиқлол тарихи, жамиятдаги янги-ланишлар моҳияти, мустақилликнинг қадри ҳақида ҳикоя қилувчи катта-кичик бадиҳалардан иборат.

Уларнинг бир-бири билан мазмунан боғлиқлигини инобатга олиб, мақолаларга тадрижий тарзда тартиб беришни мақбул топдик.

Муаллиф



## ОҒЗИБИРЛИК ҚИЛГАН ЭЛДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Қадимий Туронзаминда барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, осойишталикни сақлашга бор куч-ғайратини сарфлаётган республика раҳбариятининг ташаббуси билан ўтказилган Ўзбекистонда Қорақалпоғистон маданияти кунлари, аввало икки халқ ўртасидаги азалий қардошлик ришта-ларини мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Анжуман кунлари қорақалпоқ санъаткорлари, ёзувчи ва шоирлари, мўйқалам соҳиблари маданият саройларида, пойтахт маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида, олийгоҳларда мухлислар билан учрашдилар, мушоиралар ўтказдилар. Айниқса, Алишер Навоий номидаги театр биносида намойиш этилган болалар расмлари кўргазмаси, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазма залига қўйилган тасвирий санъат асарлари, ўймакорлик, кулолчилик буюмлари бу қадимий халқ истеъ-долларга нақадар бойлигини кўрсатди. Тошкент театрларида, турли санъат кошоналаридаги томоша ва концертлар шина-вандалар қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Маданият кунлари қатнашчилари турли вазирликларда, ижодий уюшмаларда мутасаддилар ва ҳамкасблари билан дилкаш суҳбатлар қуриб, бугунги оғир иқтисодий шароит туфайли юзага чиқаётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини муҳокама қилдилар.

— Бизда нашр этилган биронта китоб даромад келтирган эмас, — дейишди қорақалпоқ дўстларимиз. — Айниқса, ўтин даври шароитида китоб чиқариш янада қийинлашди. Қогоз, бўёқ нархи, матбаа хизмати ҳақлари ниҳоятда ошиб кетган. Биз бу масалада Ўзбекистон ҳукуматидан мадад кутамиз.

Дарҳақиқат, биз ҳам маданият кунлари муносабати билан республикамизда қандай асарлар нашр этилганини суриштирдик. „Чўлпон“ нашриётида тайёрланаётган қорақалпоқ халқ эртакларидан бошқа китобни, афсуски тополмадик.

Маданиятни ривожлантирмасдан, халқнинг руҳини кўтармасдан туриб, улкан ишларни амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бу тадбирдан кўзда тутган мақсадларидан бири Орол муаммосига дунё жамоатчилигининг диққатини тортиш эди. Ўйлаймизки, бу мақсадга ҳам эришилди.

Дунёда тинчлик, тотувликдан ортиқ бойлик йўқ. Эртага бу оғир кунлар ҳам ўтар. Тақдирнинг турфа нафмаларини кўп кўрган заҳматқаш халқимизнинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қилаётган ҳалол меҳнати зое кетмас. Ўтган маданият кунлари истиқлолу истиқболимизнинг ўзаги бўлган осойишталикка, бир-биримизнинг қалбимизни, руҳимизни яна бир карра теран англашимизга хизмат қилган бўлса, демак, яхши ниятлар рўёбга чиқибди.

— Оғзибирлик қилган элдан кут-барака аримайди, — леб ёзди байрам кунлари Беруний тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кўмитасининг раиси Нурулла Қозоқбоев. — Ҳурматли Президентимизнинг бу тадбирни ўтказишда шахсан ташаббус кўрсатишларида рамзий маъно бор. Ўзбек ва қорақалпоқлар асрлар бўйи бир-бири билан аралашиб яшаган, бир бурда нон топса, икки бўлиб еб келган. Шундай экан, уларнинг нафақат бугун, балки келажаги ҳам муштаракдир.

Анжуман кунлари Тошкентнинг гавжум кўчаларидан бирига Нукус номи берилди. Бу ҳам ойдин келажак сари бораётган йўлимиз бирлигининг тимсоли бўлса, ажаб эмас.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўтган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари икки туркий халқнинг дийдорлашув байрами бўлди, ҳеч кимнинг ҳеч кимга „катта оға“ бўлиш истаги йўқлигини, халқларимиз замоннинг бепоён йўлларида мангу ҳамқадам ва тақдирдош эканини яна бир бор исботлади.

*„Халқ сўзи“ газетаси, 1993 йил, 2 феврал.*





## ҲОЗИР ҲЕЧ КИМГА ОСОН ЭМАС

Мамлакатимиз тарихидаги шонли саналар тақвими эндигина шаклланмоқда. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги, Конституциямизнинг бир йиллиги каби истиқлол туфайли эришган байрамларимиз шулар жумласидандир. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ўтказилганига, мана яқинда икки йил тўлади. Халқларимиз тарихидаги ана шу муҳим воқеани ҳам бугун эслаб қўйсак, фойдадан холи бўлмас.

Собиқ шўро салтанати парчаланиб кетгач, унинг ўрнида ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улкан тоғнинг қулаши ҳам ўзига яраша даҳшатли бўлиб, сурони еру кўкни ларзага келтириб юборар экан! Бундоқ ўйлаб кўринг, юздан ортиқ миллат аралаш-қуралаш, иқтисод минг бир ришта билан бир-бирига боғлиқ, бир марказдан бошқарилган давлатда „ажралиш куйи“ни чалишнинг ўзи бўлармиди? Янаям, худо ярлақаб, Югославиянинг куни бошимизга тушмади. Хуллас ҳамманинг „қозон“и бошқа-бошқа бўлиб қолди... Гарчи собиқ иттифоқдош республикаларнинг кўпчилигини МДҲ деб аталган нимҳарир чодир бирлаштириб турса-да, бугун ҳар ким ўз кунини ўзи кўрмоқда.

Лекин бу билан илгари „ягона оила“да яшаган давлатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар, баъзилар ваҳима қилганидек, бутунлай узилиб кетдими? Биз бир-биримизга мутлақо бегона бўлиб қолдикми? Оллоҳга шукрки, йўқ!

Бугунга келиб ҳамма ўз Президенти, туғи, туғроси, фахрияси ва ниҳоят пулига эга, дунё миқёсида тан олинган эгамен давлатлар фуқаролари бўлди. Лекин бунга эришиш осон кечдими?

Шу ўринда икки-уч йиллик яқин ўтмишимизга бир назар ташлаш лозим кўринади. Ўшанда „СССР“ деб аталган улкан мамлакатда буюк ўзгаришлар рўй бериши аён бўлиб қолган, унинг муаззам аршида мустақиллик шарпаси кеза бошлаган эди. Бу — тарихий шароит ўзгаради, янги давр янги

раҳбарларни тақозо этади, яъни фаолияти юқоридан келган амру фармонларни республикада сўзсиз бажаришдангина иборат бўлган „сардор“ ларнинг замони ўтди, дегани эди. Ва улар „кетар жафоси“ дегандай, „ётиб қолгунча отиб қол“ қабилдаги ишларни бошлаб юбордилар. Шу тариқа Фарғона, Ўш фожиялари, Тожикистондаги воқеалар аланга олди.

Уларни зудлик билан ўчириш керак эди. Собиқ СССР таркибидаги республикалар халқлари ана шундай оғир шароитда ўзларининг янги давр талабига жавоб бера оладиган раҳбарларини сайладилар.

Энди ҳар бир мустақил давлат ўзига хос тараққиёт йўлини танлай бошлади. Дунё айвонидан ҳар ким ҳамкорлик қиладиган дўст қидирди. Зеро, бу яхлит оламда ёлғиз яшаб бўлмайди. Ана шу интилишларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1992 йил 4 январ куни Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари Президентларининг учрашуви ўтказилди. Унда мавжуд чегараларнинг дахлсизлиги тан олинди, иқтисодий, маданий, илм-фан соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш тadbирлари белгиланди. Хуллас, кўшни давлатлар ҳамжиҳатлигининг тамал тоши қўйилди. У қандай натижалар бермоқда? Бунинг Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маълумки, бу икки республика халқлари — ўзбеклар ҳам, қирғизлар ҳам Марказий Осиёдаги барча халқлар каби ўзларини бир туркий дарахтнинг икки шохи — қадимий Туронзамин фарзандлари деб биладилар. Лекин, яширишнинг ҳожати йўқ, Қирғизистоннинг ўша вақтдаги раҳбарлари „кармати“ билан Ўш вилоятида рўй берган маълум воқеалар боис орага бир оз совуқчилик тушган, муносабатлар таранглашиб қолган эди. Ана шундай шароитда Ўш шаҳрида икки кўшни давлат Президентларининг учрашуви бўлди. Унинг натижалари бугун ҳаммага аён. Фақат шунини таъкидлаш жоиз кўринадикки, муаммони ҳал этишда, икки қондош халқ қалбидаги ярага малҳам қўйишда Ислом Каримовнинг теран мулоҳазакорлигию Асқар Ақаевнинг беназир самимияти жуда катта омил бўлди. Натижада Қирғизистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам вазият барқарорлашди, халқларимиз яна ҳамкорлик, биродарлик йўлига тушиб олдилар. Ҳолбуки, Қирғизистоннинг собиқ раҳбарлари билан бу борада, андиша билан айтганда, „гап қовушмаган“ эди.



Нима ҳам дер эдик, раҳбарларнинг пешонасига ёзилгани шу эканки, улар доимо халқнинг назарида бўлади. Бундан ташқари, дунёнинг сиёсатдонлари, каттаю-кичик давлатларнинг бошлиқлари бошқа бир давлат билан муносабат ўрнатмоқчи бўлса, аввало, унинг юз-кўзи — раҳбарига қараб иш тутар экан. Шу маънода, юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг иқтисодиёт бобидаги пухта ҳисоб-китоби, доимо етти ўлчаб, бир кесиши билан барчани лол қолдирган бўлса, Президент Асқар Акаев, боя айтганимиз — шахсий самимияти билан мана-ман деган демократларнинг-да дилини забт этди, деб ўйлайман.

Шундан кейин, 1992 йил сентябрида Қирғизистон ҳукумат делегацияси Тошкентга ташриф буюрди. Бу ерда икки республика ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди.

— Биз Ўзбекистон билан ҳали собиқ марказ қуламай туриб ҳам шартнома тузган эдик. Лекин бугун имзоланган ҳужжатлар ўша вақтдагидан бутунлай фарқ қилади. Негаки, бугунги музокаралар ҳам, имзоланган ҳужжатлар ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган икки мустақил давлат ўртасида ўтказилгани ва имзолангани туфайли қимматлидир, — деган эди ўшанда А. Акаев фахр билан.

... 1991 йилнинг августи сира эсимдан чиқмайди. ГКЧП бош кўтарган кунлари мен таътилда — Намангандаги олис қишлоғимда эдим. Марказий телевидение Янаев, Лукьянов каби „валломат“ларнинг баёнотларини эшиттирди, холос. Ташқи оламдан узилганман, нима бўлаётганини билмайман, бунинг устига Президентимиз Ҳиндистонда... Хаёлимда яқкаш „наҳот, ҳаммаси орқага қайтса?“ деган ўй.

Ҳайриятки, водийга Фрунзе (унда Бишкек эмасди, чамамда) телевидениеси кўрсатувлари узатилар экан. Бирдан „зангори экран“да Асқар Акаев пайдо бўлди. Ва жасорат билан ҳеч қандай ГКЧПни тан олмаслигини, Мустақил давлат бошлиғи эканини баён қилди. Б. Ельциннинг танк устига чиқиб, бутун Россияни умум иш ташлашга чақирганидан воқиф этди. Кўнглимга умид нури югурди...

Қирғизистон Марказий Осиёда илк бор ўз миллий пулини жорий қилди. Бу Президент Асқар Акаевнинг яна бир дадил қадами эди, албатта. Тўғри, „сом“нинг муомалага киритилиши, ундан яқин қўшниларикининг вақтида огоҳ

этилмагани маълум қийинчиликларни келтириб чиқарди. Лекин бамаслаҳат иш тутилса, ҳар қандай мушкулотни ҳам осон этмак мумкин экан. Буни шу йил Тошкент ва Ўшда бўлиб ўтган олиймақом учрашувлар яна бир бор исботлади. Иқтисодий алоқаларимизнинг, борди-келдиларимизнинг узилиб қолмаслик йўли топилди: икки республика ўртасида 1994 — 2000 йилларда иқтисодий интеграциялашни ривожлантириш тўғрисидаги баёнотнома имзоланди.

Бугун Марказий Осиёдаги барча давлатлар каби Ўзбекистон билан Қирғизистон ҳам демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Лекин бу тараққиёт йўли равон ва текис эмаслиги, унинг ўнқир-чўнқирлари, пасту баланди кўплиги ҳаммага аён.

Мана, биз ҳам, миллий пулимизни жорий этдик. Иқтисодни барқарор ушлаб туриш, халқни энг зарур истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш, одамлардаги ёруғ келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлаш осон иш эмаслигини кўриб турибмиз. Хуллас, ҳозир ҳеч кимга осон тутиб бўлмайди. Фақат озодлигимизга соя тушмаса, эркимиз топталмаса, бас. Ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонамиз, чунки халқларимиз меҳнаткаш, не-не мушкулларни енгиб ўтмаган.

Аммо, кўпинча мана шундай вазиятдан, муваққат қийинчиликлардан юмшоқ ўриндиқларидан ажралиб қолган баъзи аламзадалар фойдаланмоқчи бўлади. Улар халқни тўғри йўлдан оздиришга уринади. Бу ёқда эса Жириновскийга ўхшаган „булбулигўё“лар таҳдид солиб турибди.

Биз, кўшни халқлар эса, бундай шароитда янада яқинлашувимиз, жипслашувимиз лозим. Халқда „икки ёрти — бир бутун“ деган гап бор. Биримизда йўқ нарса бошқамизда бор. Камимизни тўлдиришимиз мумкин. Фақат ҳамжиҳат бўлсак, бас.

Президентларимиз халқларимиз тотув ва биродар бўлишини истайдилар. Биз ҳам туркий халқлар кемаларини бошқараётган дарғаларимизнинг аҳиллигини тилаймиз. Зотан, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашувида ҳам ана шу руҳ ҳукмрон эди. Унга азал-абад содиқ қолайлик!

*„Халқ сўзи“ газетаси, 1993 йил, 4 декабр.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/1662> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1662> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1662>